

**Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг коррупция
фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги
2024-йил якуни бўйича
ҲИСОБОТ**

30.12.2024-йил ҳолатига

Курилиш ва уй-жой коммунал хужалиги вазирлигида "Коррупцияга қарши курашиш" бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва Қонун ости ҳужжатлари асосида олиб бормокда.

2024-йил давомида бўлим томонидан вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлик тизимида коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали, телеграм бот канали, электрон почта, расмий веб-сайтдаги алоқа канали ҳамда ишонч телефонлари ташкил этилиб, кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Ҳисобот даврида вазирликка юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳамда коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали ходимларнинг ҳатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида жами **97 та** хабар ва мурожаатлар келиб тушган.

Коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳамда марказий аппаратга келиб тушган **97 та** хабар ва мурожаатлар таҳлил қилинганда, шундан **2 таси** ишонч телефони, **49 таси** телеграм ботга ва вазирликка тўғридан тўғри **46 та** мурожаатлар келиб тушган.

Жорий йил мобайнида **3 та** ҳолатда коррупция фактлари ҳақида хабар ва мурожаатлар келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган коррупцион фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Жумладан, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Бирлик МФЙ, Охунбобоев кўчаси 1-тор, 12-уйда яшовчи Б.Хошимов туман бўлими ходими "Ойбек" исмли шахс нотурар ер майдони турар жойга ўтказиб бериш эвазига 2000 АҚШ доллари миқдорида пул сўраганлигини мурожаатида кўрсатган. Ўрганишда, муаллиф жаҳл устида нотўғри кўрсатма берганлигини маълум қилган.

Шунингдек, Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Маданият МФЙ, Улуғбек 13-уйда яшовчи Ш.Ю.Абдиримов ўз аризасида туман бош архитектори "Фурқат" исмли шахс 2 гектар 79 сотих ер майдонига ҳужжат қилиб бериш эвазига 1 0 млн сўмдан ортиқроқ пул олганлигини кўрсатган. Ушбу ҳолат юзасидан Хоразм вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хужалиги томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, натижасига кўра келтирилган фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти, Намданак ҚФЙ, Бекзод кўчаси, 21-уйда яшовчи Л.Бозорбоев Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ИЧБ

бошлиғи Ойбек Очиловнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан ёзган мурожаати Тошкент вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошармаси томонидан кўриб чиқилиб натижаси бўйича тўпланган хужжатлар 22.02.2024-йилда Тошкент вилояти прокуратурасига ҳуқуқий баҳо бериш учун юборилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан бўлим ҳамда вазирлик тизимида масъул ходимлари томонидан вилоятнинг барча туман Курилиш ва уй-жой коммунал хужалиги бўлимлари бошликлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, юқорида қайд этилган ҳолатлар атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур ҳолат келгусида такрорланмаслиги юзасидан қатий огохлантириш берилди.

Коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича бир қатор чора тадбирлар белгиланиб барча ҳудудларда ижроси амалга оширилмоқда.

**Коррупцияга қарши курашиш
бўлими бош мутахассиси**

Ж.Файзиев

